O'zbekiston Respublikasi
Andijon viloyati
xalq deputatlari
Qo`rg`ontepa tuman Kengashining
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
Кургантепинского районного
Кенгаша народных депутатов
Андижанской области
Республики Узбекистан

2020 йил 31 декабрь **№ 61/22-6** **Қўрғонтепа тумани**

Қўрғонтепа туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари таксимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур конуннинг 18-моддасига асосан 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетини кабул килиш бўйича Халқ депутатлари Қўрғонтепа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Қўрғонтепа тумани (кейинги ўринларда туман деб аталади) маҳаллий бюджети даромадлари 54 млрд. 153 млн. 380 минг сўм, харажатлари 143 млрд. 473 млн. 910 минг сўм миқдорида прогноз килинганлиги, туман маҳаллий бюджетига юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 89 млрд. 320 млн. 530 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун кабул килинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) **Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:**

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ.

б) Вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонунунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

– давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

– мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

Шу билан бирга, вилоят бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи) ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан

ташкари) 100 фоиз миқдордаги ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Хукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси борасида вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланганлиги:

а) Вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг қуйидаги ташкилотлари:

– Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежи Республика бюджетидан;

– Биринчи ҳамда иккинчи болалар-ўсмирлар спорт мактаблари Андижон шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва коракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4817-сонли қарори ижроси борасида Андижон вилоятида ташкил этилган ҳудудий бошқармани сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар вилоят бюджетидан молиялаштирилиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-6099-оснли фармони ижроси борасида вилоятнинг шаҳарлар ва туманлар "Жимоний тарбия ва спорт" бўлимларига юридик мақом берилсин ҳамда бўлимларининг сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сонли қарорига асосан вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари ташкил этилсин ҳамда уларни сақлаш харажатлари белгиланган тартибда тегишли вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

4. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман маҳаллий бюджети харажатларининг 2021 йил учун асосий кўрсаткичларининг сохалар кесимидаги чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг таксимотини ўрнатилган тартибда туман Газначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Қонуннинг 12-моддаси тўртинчи қисмида халқ депутатлари туман

Кенгашига берилган ваколатга кўра, маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш оркали махаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш максадида:

- айланмадан олинадиган солик ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар тўликлигича туман маҳаллий бюджетига ўтказилаётганлиги;

- мобил алока хизматлари ва алкоголь махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиги бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль холатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофик туман маҳаллий бюджетига ўтказилаётганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети хамда шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида 75/25 нисбатда таксимланиши маълумот учун кабул килинсин.

7. 2021 йил учун туман ҳокимлиги захира жамғармаси ҳажмлари **1 млрд.420 млн 534 минг.сўм** миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги Захира жамғармаси маблағларини туманлар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иктисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

8. Туманлар бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар халк депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш максадида кабул килинсин.

Туман маҳаллий бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилсин.

9. Туман ҳокимлиги чораклар якуни бўйича мазкур карорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлик бўлмаган холда 5 фоиздан ортик миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимлигига харажатларни макбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни макбуллаштириш таклифларини киритсин.

10. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджети ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар хисобидан амалга оширилиши катъий белгилаб қўйилсин.

11. Қўрғонтепа туманининг туман маҳаллий бюджетида хамда

шаклланган қўшимча манбалар хисобидан харид килинган товарлар ва хизматлар, курилиш, реконструкция килиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, курилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар хар чорак якунига кўра, кейинчи чорак биринчи ойининг 10-санасига кадар хокимликнинг расмий веб сайтларига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

12. Туман хокимлиги:

Махаллий бюджетни биринчи навбатда иш хаки ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овкат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган холда шакллантирсин.

13. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилоти, шахар ва туманлардаги ўрганиш бўйича тузилган йўл хариталари хамда йигилиш баёнлари билан махаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

14. Туман хокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солик базасини кенгайтириш хамда иктисодий салохиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан максадли ва самарали фойдаланиши устидан катъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига маълумот киритсин.

15. Туман хокимлиги Қонунда белгиланган айрим соликлар ва тўлов ставкалари, солик солиш тартиблари хамда бошка маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур карор бажарилишини назорат килиш халк депутатлари туман Кенгашининг Махаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иктисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси хамда туман хокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси ўринбосари **Ш.Қўлдашев**

Аслига тўғри

Халқ депутатлари
Кўрғонтепа тумани Кенгашининг
2020 йил «____» _____даги
_____сонли карорига 1-илова

Кўрғонтепа тумани маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги асосий даромад кўрсаткичлари
МАЪЛУМОТ

№	Даромад тури	Кўрғонтепа тумани
	Жами даромадлар	**54 153 380**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**15 777 000**
1.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*63 108 000*
	ажратма меёри	***25***
	маҳаллий бюджетга	15 777 000
2	Юридик шахслардан олиналиган фойда солиғи	*5 667 000*
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**20 629 000**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**20 529 000**
1	Ягона солиқ тўлови	6 968 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	2 275 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 113 000
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 158 000
6	Ижара тўловлари	15 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**100 000**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	9 493 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 266 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
3	Юридик шахслар ер солиғи	7 077 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100 000
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	100 000
5	Йиғимлар	11 283 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
	Вилоят бюджетига	
1	Давлат божлари	
2	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	
3	Жарималар	
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**17 747 380**
	Аҳоли сони (минг киши)	*216*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	11 524 240
16.	Мобил алокага акциз солиғи	6 223 140
	Маълумот учун: 2019 йил параметр	*54 499 000*
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**143 473 910**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**89 320 530**

Халқ депутатлари
Қўрғонтепа тумани Кенгашининг
2020 йил «____» _____даги
_____сонли қарорига 2-илова

Қўрғонтепа туман маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги асосий харажат
МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичлар		Қўрғонтепа тумани
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**143 473 910,0**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**119 026 650,0**
	шу жумладан:	
1.	**Маориф**	**25 890 800**
	- мактабгача таълим	14 235 301
	- умумий таълим	11 655 499
	- кадрлар тайёрлаш	
1.	Соғликни сақлаш	58 201 941
1.3	**Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари**	**6 051 516**
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 947 029
	- спорт	4 104 487
1.	Фан	
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафакалар ва компенсациялар	28 882 393
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**10 437 137**
	шу жумладан:	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	400 853
2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	
2.	Ҳукумат уйини совутиш харажатлари	
2.	Ободонлаштириш	7 058 321
2.10	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 847 962
2.16	Ветеринария қўмитаси	1 130 001
3.	**МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР**	
4.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**5 773 238**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат ҳокимият органлари	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	5 773 238
5.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**6 816 351**
6.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**1 420 534**
7.	**БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**	**0**
	шу жумладан:	
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**54 153 380**
	ТРАНСФЕРТ	**89 320 530**

Халқ депутатлари
Андижон вилояти Кенгашининг
2020 йил «___» __________ даги
____-сонли қарорига
3-илова

Умумлашган солиқлардан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

№	Шаҳар ва туманлар номи	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	Раҳбарлар*	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
16	Қўрғонтепа тумани	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]

* [illegible]